



09.08.2019



Сингапур медиация конвенциясини имзолаш мақсадида 2019 йил 7 август кунини Сингапурда халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Унда 80 та давлатнинг 1 500 дан ортиқ мазкур соҳадаги ваколатли давлат органлари, амалиётчилар, олимлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Конференция ишида Адлия вазири ўринбосари А.Ташкулов раҳбарлигида Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашмоқда. Унда Сингапур медиация конвенциясини 46 та давлатлар имзолаши кутилмоқда.

Маълумот учун: Халқаро миқёсда низоларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш механизминини жорий этиш ва медиация натижасида эришилган келишув битиминини ижро этишни йўлга қўйиш мақсадида Бирлашган миллатлар ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан Медиация натижасида эришилган халқаро келишув битимлари тўғрисидаги конвенция – Сингапур медиация конвенцияси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, БМТнинг 51-сессиясида тақдим этилган.

Бугунги кунда халқаро тижорат муносабатларида юзага келаётган низоларни ҳал қилишда медиация институтидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Медиациянинг устунлиги низолар томонларнинг ўзаро ишонч ва ҳамкорлигини сақлаб қолган ҳолда суддан ташқари медиатор (воситачи-вакил) ёрдамида ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

Ўзбекистон делегацияси Сингапур медиация конвенциясига қўшилиш масаласини муҳокама

қилиш ва тегишли хулосага келиш мақсадида ўрганиш олиб бормоқда.

219 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Тошкентда барпо этилаётган “Ғалаба боғи” нинг концепцияси тақдим этилди](#) [3]
- [2019 йил 46 сонидан...](#) [4]
- [Қуролли Кучлар миқёсидаги нуфузли мусобақа – “Энг илғор мутахассис” танловига старт берилди](#) [5]
- [“Suzane” да пресс тур ташкил қилинди](#) [6]
- [Юксакларда ҳилпирар юртим байроғи](#) [7]
- [Ўзбекистон Қуролли Кучлар академиясига Хитой Миллий Мудофаа университети раҳбари бошчилигидаги делегация ташриф буюрди](#) [8]
- [Қуролли Кучлар Кичик мутахассислар тайёрлаш марказига Қозоғистон ҳарбий делегацияси ташриф буюрди](#) [9]
- [Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши тузилди](#) [10]
- [Сурхондарё вилоятида Президент топшириғи ижроси юзасидан Мудофаа вазирлиги вакиллари иштирокида ишчи йиғилиш ўтказилди](#) [11]
- [Фуқаролик жамияти институтлари қандай ишламоқда?](#) [12]

Source URL: <http://m.insonvaqonun.uz/?q=runklar/4957>

Ссылки

[1] <http://m.insonvaqonun.uz/print/4957>

[2] <http://m.insonvaqonun.uz/printpdf/4957>

[3] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5120>

[4] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5116>

[5] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5114>

[6] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5113>

[7] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5112>

[8] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5107>

[9] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5103>

[10] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5101>

[11] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5099>

[12] <http://m.insonvaqonun.uz/node/5090>